

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ УРГАНЧ ФИЛИАЛИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.04/30.09.2020.Tib.123.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

МУХАМЕДЖАНОВА МАСТУРА ХАЯТОВНА

**СУРУНҚАЛИ ГЕПАТИТ С ВА ЮРАК ЕТИШМОВЧИЛИГИ БЎЛГАН
БЕМОРЛАРДАГИ КАМҚОНЛИК ТАШХИСОТИНИНГ
ФЕРРОКИНЕТИК ПРЕДИКТОРЛАРИ**

14.00.05 – Ички касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ
(PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Урганч – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of abstract of dissertation for the Doctor of Philosophy (PhD)

Мухамеджанова Мастура Хаятовна

Сурункали гепатит С ва юрак етишмовчилиги бўлган беморлардаги камқонлик ташхисотининг феррокинетик предикторлари..... 5

Мухамеджанова Мастура Хаятовна

Феррокинетические предикторы диагностики анемии у больных с хроническим гепатитом С ассоциированный сердечной недостаточностью.....28

Mukhamedjanova Mastura Khayatovna

Ferrokinetic predictors for diagnosing anemia in patients with chronic hepatitis C associated with heart failure..... 46

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....48

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ УРГАНЧ ФИЛИАЛИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.04/30.09.2020.Tib.123.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

МУХАМЕДЖАНОВА МАСТУРА ХАЯТОВНА

**СУРУНҚАЛИ ГЕПАТИТ С ВА ЮРАК ЕТИШМОВЧИЛИГИ БЎЛГАН
БЕМОРЛАРДАГИ КАМҚОНЛИК ТАШХИСОТИНИНГ
ФЕРРОКИНЕТИК ПРЕДИКТОРЛАРИ**

14.00.05 – Ички касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ
(PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2023.1.PhD/Tib3298 рақам
билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институтида
бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-
саҳифасида (www.urgfiltma.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz)
жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ахмедова Нилуфар Шариповна
Тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Жаббаров Озимбай Отахонович
Тиббиёт фанлари доктори, профессор

Болтаев Камол Жумаевич
Тиббиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Тожикистон давлат тиббиёт университети

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали ҳузуридаги
PhD.04/30.09.2020.Tib.123.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «___» _____ соат
_____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: Хоразм вилояти, Урганч шаҳар, Ал-Хоразмий
кўчаси-28 уй. Тел./факс: +99862 224-84-84.

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали Ахборот-ресурс марказида
танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: Хоразм вилояти, Урганч шаҳар. Ал-
Хоразмий кўчаси-28 уй. Тел./факс: +99862 224-84-84).

Диссертация автореферати 2024 йил «___» _____ кунни тарқатилди.
(2024 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Р.Ю. Рузибаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, тиббиёт фанлари доктори

З.Ф. Джуманиязова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари номзоди,
доцент

Р.Б. Абдуллаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация ишининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда замонавий тиббиётнинг кенг ўрганилаётган муаммоларидан бири бу – коморбидлик ҳолатидир. Бу борада мавжуд ёки асосий касаллик негизида юзага келган ва ундан фарқ қиладиган хасталикларга сўнгги йилларда алоҳида эътибор берилмоқда. Шундай коморбид ҳолатлардан бири жигар-юрак патологияларининг ҳамкорликда кечишидир. Олиб борилган эпидемиологик тадқиқотлар натижалари дунёдаги катта ёшдаги аҳолининг 30% жигар касалликларидан азият чекмоқда. Аҳолини ногиронликка олиб келадиган сабаблар орасида жигар касалликлари асосий ўринлардан бирини эгаллаб, ўлимга энг кўп сабаб бўладиган ўнта касалликлардан биридир. Ер юзида 70 миллиондан ортиқ киши сурункали вирусли гепатит С билан зарарланган¹. Бугунги кунда СВГС жигарнинг сурункали яллиғланиши ва жигар циррозига олиб келувчи асосий сабаблардан бири бўлиб, дунё тиббиётидаги глобал муаммолардан бири саналади (Dash et al., 2020).

Жаҳон миқёсида олиб борилган илмий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, гепатотроп вируслар билан касалланиш сурункали жигар касалликларининг асосий сабабларидан бири бўлиб, бу энг долзарб тиббий ва ижтимоий саломатлик муаммосига айланиб келмоқда. СВГС нинг тарқалиш даражаси турлича бўлиб, Европада 1-5% гача, АҚШ ларида 1-4% бўлиб, унинг тарқалганлиги аҳоли жойлашув зичлиги ва хавф омиллари тарқалганлигига боғлиқ. СВГС клиник белгиларсиз кечиш, одатда жигардан ташқари бир қатор белгилар билан намоён бўлади ва цирроз, гепатоцеллюляр рак каби асоратлар билан яқунланади. Вирусли гепатит С даги яллиғланиш тизимли характерга эга бўлиб, беморларда иммун тизим, метаболик бузилишлар, буйрак, юрак қон-томир тизими шикастланишлари билан кечиши аниқланган (Nevola et al., 2021). Жигарнинг сурункали диффуз касалликларида учрайдиган анемия мураккаб патогенетик жараёнлар асосида ривожланиб, унинг асосида эритропоэзнинг мажмуавий бузилиши ётади.

Республикамызда, бугунги кунда соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни жаҳон стандартлари талабларига мослаштириш ҳамда унинг турли минтақаларида юқумли сурункали касалликлар билан касалланишни камайтиришга қаратилган «... мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, патронаж хизматининг самарали моделларини яратиш ва тиббий кўриқдан ўтказиш, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларнинг олдини олиш ...» каби қатор вазифаларни белгилаб қўйган.

“Айрим долзарб вирусли инфекциялар тарқалишига қарши курашиш чора-тадбирларини такомиллаштириш тўғрисида”ги Президент қарори (ПҚ–

¹ Poller W, Haghikia A, Kasner M, Kaya Z, Bavendiek U, Wedemeier H, et al. Cardiovascular Involvement in Chronic Hepatitis C Virus Infections – Insight from Novel Antiviral Therapies. J Clin Transl Hepatol. 2018;6(2):161-167.

243-сон, 16.05.2022 й.) қабул қилинган. Қарорга мувофиқ, 2022 йил 1 июлдан ҳар йили республика аҳолисини вирусли гепатит “В” ва “С” турларига скрининг текширувлари сони 1 миллион нафаргача, полимераза занжир реакцияси (ПЗР) текширувлари сони 15 минг нафаргача, вирусли гепатит “С” тури билан касалланган беморларни даволаш 10,5 минг нафаргача етказилди. Ушбу қарорга кўра, 2022 йил 1 ноябргача жигар сурункали вирусли касалликларининг ягона электрон реестри ишлаб чиқилди².

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ–6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони, 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ–4887-сон «Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида»ги ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ–4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Илмий изланишлар натижаси шуни кўрсатдики, гепатотроп вируслар билан касалланиш сурункали жигар касалликларининг асосий сабабларидан бири бўлиб, бу энг долзарб тиббий ва ижтимоий саломатлик муаммосига айланиб келмоқда (Д.В. Данцов ва б.к., 2023). Вирусли гепатитнинг юқори частотаси, уларнинг хроноген потенциали, цирроз ва бирламчи жигар саратони, касалланишнинг меҳнатга лаёқатли ёш катламида ёшларнинг учраши ушбу муаммони кейинги ўрганишнинг долзарблиги ва аҳамиятини белгилайди. Сурункали гепатитлардан кузатилган ўлим ҳолатларининг 96% СВГВ ва СВГС га тўғри келади.

Кўп сонли тадқиқотларда гепатит вируслари инсон организмда жигардан ташқари зарарланиш белгилари билан намоён бўлиб, бу зарарланишларнинг 23,7% миокард зарарланишига тўғри келишини кўрсатмоқда (Чистякова М.В. ва б.к, 2020). Гепатокардиал муносабатлар асосий касаллик кечишини оғирлаштиради. Бу беморларда анемиянинг қайд қилиниши эса ўз навбатида коморбидлик ҳолатини чуқурлаштириб, беморларни даволашда ўзига хос ёндашувни талаб қилади. Бу касалликларда ўлим ва ногиронлик хавфи юқорилигини инобатга олиб Бутундунё соғлиқни сақлаш ассамблеяси вирусли гепатитни соғлиқни сақлаш соҳасидаги долзарб

² ПҚ-243-сон “Айрим долзарб вирусли инфекциялар тарқалишига қарши курашиш чора-тадбирларини такомиллаштириш тўғрисида”

стратегия деб баҳолади 2016-2021 йилларга мўлжалланган стратегик режани ишлаб чиқди³. Стратегиянинг асосий мақсади 2030 йилга бориб СВГ билан янги зарарланиш ҳолатларини 90% га, ўлим ҳолатини 60% га камайтиришдир.

СВГС ривожланиш патогенези ҳозирги кунга қадар тўлиқ ўрганилмаган. Айниқса касалликнинг жигардан ташқари асоратлари кўп учраб, бу асосий касаллик оғир кечиши, жигар циррози ва фибрози ривожланишини тезлаштиради ва беморларда леталлик даражаси ошишига олиб келади. Скрининг, диагностика ва даволаш билан боғлиқ муаммолар ҳар бир мамлакатда, айниқса, маҳаллий соғлиқни сақлаш муассасалари даражасида ҳал қилиниши керак. Бу жараёнда оилавий шифокорларнинг ҳамкорлиги муҳим аҳамиятга эга, чунки улар тиббий билимга эга ва беморларни мақбул даволашда қўллаб-қувватлаш учун биргаликда ҳаракат қиладилар.

Сурункали касалликлар анемияси (СКА) дунёдаги анемиялар орасида энг кенг тарқалган (темир танқислиги камқонлигидан кейин иккинчи ўринда туради) бўлиб, юқумли, ревматик ва ўсма касалликлари, сурункали юрак етишмовчилиги, сурункали буйрак касаллиги, қандли диабет, жигар циррози ва бошқалар билан биргаликда ривожланиши ва кечади (К.Ж. Болтаев, Н.Ш. Ахмедова, Г.Т. Сулаймонова, 2021).

Анемия мавжудлиги органлар ва тўқималарнинг оксигенланишининг пасайишига, жисмоний фаолликнинг сусайишига, заифликнинг пайдо бўлишига ва ҳаёт сифатининг ёмонлашишига олиб келади. Шунингдек тутиш керакки, СКА билан оғриган беморлар кўпинча мураккаб патологияга эга - буйраклар, юрак, жигар ва бошқаларнинг фаолияти бузилиши мумкин (Н.Ш. Ахмедова, Г.Т. Сулаймонова, 2021).

Этиотроп даво борасида эришилган ютуқларга қарамадан даволаш жараёнида ноҳуш асоратлар кўп учраши дори дозасини камайтириш, ёхуд баъзи ҳолатларда бутунлай тўхташни мажбур қилади. Даво дозасини камайтиришга сабаб бўладиган асосий ноҳуш таъсирлар бу депрессия, цитопения ва қалқонсимон без фаолиятининг бузилишидир. Гематологик белгилар пайдо бўлиши беморлар ҳаёт сифатини пасайиши, доимий назорат давомийлини ошиши, организмнинг вирусга чидамлилилик даври қисқаришига олиб келади. Ноҳуш таъсирлар энг кўп учрайдиган бу - анемиядир, олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, комбинацияланган этиотроп даво таъсирида кўп ҳолларда гемолитик анемия келиб чиқади. ВҚТ фониди гемоглобин миқдорининг 30г/л дан паст курсаткичларгача пасайиши 54% ҳолатларга аниқланган.

Юқоридаги фикрлар ва тадқиқотлар натижалари ранг-баранглиги СВГда ферокинетикани, айниқса коморбид ҳолатларда, ўрганишга эҳтиёж кўплигини кўрсатади. Айнан шу нуқтаи назардан бу ишда кўтарилган масалалар ҳали яхши ўрганилмаган бўлиб, ўз ечимини талаб қилмоқда.

³ WHO. Global hepatitis report 2017. <http://www.who.int/hepatitis/publications/global-hepatitis-report2017/en>

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Ушбу диссертация иши Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институтида илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ (22/24.03.2021) «Бухоро худуди иссиқ иқлими шароитида организмнинг патология олди ва патологик ҳолатларини эрта ташхислаш, даволаш ва профилактикасига янгича ёндашувларни ишлаб чиқиш» мавзуси доирасида бажарилган (2021-2026 йй).

Тадқиқотнинг мақсади: Сурункали вирусли гепатит С билан боғлиқ юрак етишмовчилиги бўлган беморларда анемияни ташхислашда феррокинетиқ кўрсаткичларнинг прогностик аҳамиятини аниқлаш ва ушбу коморбид ҳолатларда анемияни эрта ташхислаш, ҳамда олдини олиш чора тадбирларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

1. Сурункали вирусли гепатит С ва юрак етишмовчилиги коморбид кечган беморларда анемия учраш частотаси ва даражаларини ўрганиш.
2. Анемиянинг сурункали вирусли гепатит С ва юрак етишмовчилиги клиник кечиши ва асоратланишига таъсир даражасини баҳолаш.
3. Сурункали вирусли гепатит С ва юрак етишмовчилиги коморбид ҳолатда кечганда феррокинетиқ кўрсаткичларининг диагностик ва прогностик аҳамиятини аниқлаш.
4. Тадқиқот натижалари асосида сурункали вирусли гепатит С ва юрак етишмовчилиги билан оғриган беморларда анемия ривожланишини башоратлаш ва олдини олиш чора тадбирларини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази ва вилоят юқумли касалликлар касалхонасида даволанган сурункали вирусли гепатит С билан оғриган 110 нафар бемор жалб қилинган. Беморларнинг 32 тасида СВГС сурункали юрак етишмовчилигисиз 78 нафари эса СВГС ва сурункали юрак етишмовчилиги коморбид ҳолатда кечган беморлар ташкил этган. Ҳар иккала гуруҳда анемия клиник ва лаборатор жиҳатлари солиштирма ўрганилди.

Тадқиқотнинг предмети капиляр ва веноз қон, қон плазмаси.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумий клиник-лаборатор, биокимёвий текширув, ПЗР, ИФА таҳлиллари ёрдамида вирусли гепатит ташхиси қўйилиб, қондаги феррокинетиқ кўрсаткичлари (зардобдаги темир миқдори, ферритин, гепсидин, TGF-β) аниқлаш, функционал-диагностик текширишлардан жигар УТТ, фиброскан ва ЭХОКГ, статистик таҳлил каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

сурункали вирусли гепатит С ва сурункали юрак етишмовчилиги мавжуд бўлган беморларда патогенетик жиҳатдан сурункали яллиғланиш анемия учрашининг устунлиги ва ферротерапия самарадорлигини пасайиши аниқланган;

сурункали вирусли гепатит С мавжуд беморлардаги анемия юрак фаолияти бузилишини кучайтириши ва асосий касаллик кечишини оғирлаштиришига олиб келиши исботланган;

феррокинетик кўрсаткичлар ва гепсидин орасида корреляцион боғлиқлар таҳлили асосида жигар ва юрак патологияси коморбидлигидаги анемия жигар фибрози ривожланишининг прогностик маркери эканлиги исботланган;

анемия фонида кечаётган сурункали вирусли гепатит С ва сурункали юрак етишмовчилиги коморбидлик ҳолатида жигар функциясини лаборатор маркёрларга асосланган ноинвазив усулда аниқлаш орқали жигар фибрози ривожланишини олдини олиш тадбирлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

сурункали вирусли гепатит С билан касалланган беморларда сурункали юрак етишмовчилиги ривожланишида анемиянинг аҳамияти ўрганилиб, феррокинетика кўрсаткичлари баҳоланган ва амалиётга татбиқ этилган;

сурункали вирусли гепатит С ва СЮЕ фонида анемия ривожланишининг касаллик кечиши ҳамда фиброз ривожланишини башоратловчи маркерлари аниқланган, услубий тавсиялар ишлаб чиқилган;

сурункали вирусли гепатит С ва СЮЕ коморбид кечганда анемияни эрта аниқлаш асосий касаллик ривожланишини ва асоратланишини олдини олиши илмий асослаб кўрсатиб берилган;

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашув ва замонавий усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, танланган материалнинг етарли миқдордалиги, умумклиник, биокимёвий ва статистик тадқиқот усулларига асосланганлиги, тадқиқот натижаларининг халқаро ва маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлиги, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги ва натижаларнинг ишончилиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти сурункали вирусли гепатит С ва СЮЕ коморбид кечган беморларда ривожланган анемия клиник кечиш хусусиятлари баҳоланиб, феррокинетика кўрсаткичлари ва жигар функциясини баҳоловчи лаборатор тестлар орасидаги корреляцион боғлиқликлар исботланган. Сурункали вирусли гепатитлар ва сурункали юрак етишмовчилиги кечишини башоратлашда феррокинетика кўрсаткичларидан ферритин, трансферрин ва трансферрининг эрувчан рецепторларини аниқлашнинг диагностик ва прогностик аҳамияти баҳоланган. Сурункали касалликлар анемияси ташхисотида феррокинетика ва яллиғланиш жараёнлари диагностик мезонларини аниқлаш муҳимлиги кўрсатиб берилганлиги, ферритин ва трансферринга туййиниш коэффицентини башоратловчи мезон сифатида тавсия билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти сурункали вирусли гепатит С ва СЮЕ коморбид кечган беморларда кузатилган анемия ривожланиши олдини олишда феррокинетика ва яллиғланиш жараёни кўрсаткичларини баҳолаш ва ўзаро боғлиқлигини таҳлил қилиш орқали даволаш

самарадорлигини ошириш имкони борлиги исботланганлиги, анемик ҳолатни эрта аниқлаш ва сурункали соматик касалликлар ривожланишини башоратлаш, олдини олиш тадбирлари ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Сурункали гепатит с ва юрак етишмовчилиги бўлган беморлардаги камқонлик ташхисотининг феррокинетик предикторларини ўрганиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Сурункали вирусли гепатит С ва юрак етишмовчилиги бўлган беморларда ривожланган анемияни феррокинетик предикторларини аниқлаш ва ташхислашни такомиллаштириш мақсадида ишлаб чиқилган «Сурункали гепатит С ва юрак етишмовчилиги фонида ривожланган рефрактер анемия ташхисотини такомиллаштириш» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 27 июндаги 8н-д/737-сон маълумотномаси) Ушбу тавсияномада сурункали вирусли гепатит С ва юрак етишмовчилиги коморбид ҳолатларда ривожланган анемия хусусиятлари ва уни башоратлашнинг клиник – лаборатор усулларини мувофиқлаштиришга хизмат қилган;

Тадқиқот иши бўйича олинган натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Бухоро вилояти Когон шаҳар ва Бухоро шаҳар тиббиёт бирлашмалариси амалий фаолиятига амалий фаолиятига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш 2024 йил 26 августдаги 05/48-сон хулосаси) Натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши, сурункали вирусли гепатит С ни сурункали юрак етишмовчилиги билан бирга кечганда ривожландирган анемия олдини олиш орқали касаллик кечишини яхшилаш, фиброз жараёнини секинлаштириш, феррокинетик кўрсаткичлар орқали касаллик оғирлик даражасини аниқлаш, беморларда касаллик асоратларининг олдини олиш, эрта ташхислаш ва башоратлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан 6 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хотима, хулосалар ва амалий тавсиялар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 104 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ ҚИСМИ

Кириш қисмида тадқиқот ишининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, унинг мақсади ва вазифалари, объекти ҳамда предмети

тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ҳамда амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Адабиётлар шарҳи**» деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили батафсил ёритилган. Шунингдек, тадқиқотлар мақсадидан келиб чиққан ҳолда адабиётлар шарҳида жигарнинг сурункали вирусли касалликлари ва сурункали юрак етишмовчилиги коморбидликда кечганда кузатиладиган анемия муаммоси, сурункали касалликлар анемияси, жигар сурункали касалликларида анемия ривожланиш сабаблари тўғрисида маълумотлар келтирилган. СВГ ларда жигар ва юрак қон-томир касалликларидаги анемиялар ташхисотининг замонавий маркерларини эрта аниқлаш ва уларнинг прогностик жиҳатлари келтирилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот материаллари ва текшириш усуллари**» деб номланган иккинчи бобида текширув материалларининг умумий тавсифи келтирилган, текширув усуллари тўлиқ ёритилган.

Тадқиқот манбаси сифатида Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази гастроэнтерология бўлимида сурункали вирусли гепатит С билан касалланган жами 110 та бемор олинган. Беморлар 2 та катта гуруҳга бўлинди. Биринчи гуруҳни сурункали вирусли гепатит С билан оғриган, СЮЕ аниқланмаган беморлардан 32 нафар бемор ва иккинчи гуруҳни сурункали вирусли гепатит С ва СЮЕ коморбид ҳолда кечаётган 78 нафар бемор ташкил этган. Беморларнинг ўртача ёши $53,69 \pm 1,7$ ни, улардан аёллар 51,82% ни, эркеклар 48,18% ни ва касаллик давомийлиги $5,4 \pm 0,8$ йилни ташкил этган.

Назорат гуруҳи сифатида 50 нафар кўнгилли соғлом кишилар олинган.

Гуруҳлар орасида анемия ривожланиш маркерлари сифатида периферик қон кўрсаткичлари ва феррокинетика кўрсаткичлари солиштирма таҳлили ўтказилган.

Кузатувдаги барча беморларда умумқабул қилинган клиник-лаборатор текширувлар, шу жумладан, ферритин, гепсидин, TGF- β , СРО миқдори аниқланган, жигар ҳолатини баҳолаш учун АЛТ, АСТ, билирубин, глюкоза, кўрсаткичлари ўрганилди, асбобий текширувлардан жигарнинг УТТ, фиброз даражасини фиброскан усулида аниқлаш, СЮЕ баҳолаш мақсадида ЭХО-КГ, жигар фибрози индексини аниқлаш мақсадида APRI ва FIB-4 тестлари ўтказилди.

Ўрганилаётган кўрсаткичларнинг таҳлилида ўртача арифметик (M), ўртача квадратик оғиши (σ), ўртача кўрсаткич стандарт хатоси (m), нисбий ўлчамларини (%) ҳисоблаш билан вариацион параметрик ва нопараметрик статистика усуллари қўлланилди. Олинган ўлчовларнинг статистик қиймати эксцесс мезони бўйича тақсимотнинг меъёрийлиги ва бош дисперсиялар тенглиги (F – Фишер мезони) ни ўрганилиб, хато эҳтимолини (P) ҳисоблаш

Стьюдент (t) мезони бўйича аниқланган. $P < 0,05$ ишончлилик даражаси статистик аҳамиятли ўзгаришлар сифатида қабул қилинган.

Диссертациянинг «**Сурункали вирусли гепатит С ва сурункали юрак етишмовчилиги фонида ривожланган анемия хусусиятлари ва ташхисот жиҳатлари**» деб номланган учинчи бобида тадқиқотга жалб қилинган беморлар 2 гуруҳга ажратилган бўлиб, анемия учраш даражаси ва унинг коморбид кечаётган касалликлар билан боғлиқлик хусусиятларини ўрганилган.

Биринчи гуруҳни 32 нафар сурункали вирусли гепатит С билан оғриган ва СЮЕ кузатилмаган анемияси мавжуд беморлар ташкил этган. Гуруҳдаги беморлар ўртача ёши $52,58 \pm 1,27$ ни ташкил этиб, сурункали гепатит билан касалланиш давомийлиги $4,1 \pm 0,9$ йилга тенг.

Иккинчи гуруҳни СВГС билан касалланган, СЮЕ ва анемия мавжуд 78 нафар бемор ташкил этган. Беморларнинг ўртача ёши $54,81 \pm 2,11$ ни ташкил этиб, сурункали гепатит билан касалланиш давомийлиги $6,7 \pm 0,7$ йилга тенг.

Юқоридагиларни инобатга олиб тадқиқотга жалб қилинган беморларни 2 гуруҳга бўлиб, СВГС ва унинг коморбид билан кечаётган касалликлар билан боғлиқлигида клиник белгиларни намоён бўлиш хусусиятлари ўрганилди

1- жадвал

СВГС мустақил ва СЮЕ билан коморбид кечган беморларда клиник белгиларнинг намоён бўлиши (%)

Клиник белгилар	Асосий гуруҳ	
	СВГС n=32	СВГС+СЮЕ n=78
Ҳолсизлик	$62,5 \pm 2,9^{***\wedge}$	$85,9 \pm 1,9^{***}$
Иштаҳа йўқолиши	$40,3 \pm 3,0^{***\wedge}$	$73,1 \pm 2,2^{***}$
Нафас сиқиши	$6,3 \pm 1,3^{\wedge}$	$35,9 \pm 3,0^{***}$
Юракнинг тез уриши	$15,6 \pm 2,5^{\wedge\wedge}$	$75,6 \pm 2,1^{***}$
Кўкрак қафасида оғриқ	$18,7 \pm 2,4^{***\wedge\wedge}$	$46,2 \pm 2,6^{***}$
Соч тўкилиши	$12,5 \pm 2,6^{***\wedge\wedge}$	$2,6 \pm 1,7^*$
Гепатомегалия	$26,2^{***\wedge}$	$25,5 \pm 2,2^{***}$
Тери рангпарлиги	$75,0 \pm 2,7^{***}$	$62,8 \pm 2,3^{***}$

Изоҳ: СВГС – сурункали вирусли гепатит С; СЮЕ – сурункали юрак етишмовчилиги. Статистик ишончлилик даражаси назорат гуруҳига нисбатан: * – $p < 0,05$; ** – $p < 0,01$, *** – $p < 0,001$; статистик ишончлилик даражаси иккинчи гуруҳ беморларига нисбатан: ^ – $p < 0,05$; ^ – $p < 0,01$, ^^^ – $p < 0,001$.

1-жадвалда келтирилганидек, назорат гурухи нисбатан биринчи гурухда нафас сиқиши ва юракнинг тез уриши шикоятлари учраш частотасидан ташқари, иккинчи гурухда эса соч тўкилиши шикоятидан ташқари барча клиник белгиларда статистик ишончли фарқ ($p<0,05$) аниқланди. Бошқа томондан, бемор гурухлар ўзаро солиштирилганида, иккинчи гурухда биринчи гурухга нисбатан ҳолсизлик, иштаха йўқолиши, нафас сиқиши, юракнинг тез уриши, кўкрак қафасида оғриқ каби белгилари статистик ишончли юқори частотада учраган бўлса ($p<0,05$), биринчи гурухда соч тўкилиши клиник белгиси статистик ахамиятли кенг тарқалганлиги аниқланди ($p<0,05$).

Тадқиқотга жалб қилинган беморларда ўтказилган умумий қон таҳлили ва феррокинетика натижалари ҳақидаги умумий маълумотлар 2-жадвалда келтирилган.

2- жадвал

Тадқиқотга жалб қилинган беморларда ўтказилган клиник, функционал, лаборатор ва инструментал текширишлар натижалари умумий тавсифи


Кўрсаткичлар	Назорат гурухи n=50	I гурух n=32	II гурух n=78
Гемоглобин (г/л)	128.2±1.84	94.9±3.40****	92.8±2.22****
Тромбоцит (10^9 /л)	263.1±4.88	214.2±8.44****	204.1±5.1****
АЛТ (U/l)	23.4±1.55	56.6±5.47****	58.38±5.5****
АСТ (U/l)	28.2±1.61	47.26±6.43****	48.24±4.07**
WBC ($10^9/L$)	4.40±0.61	5.24±0.29	5.33±0.17**
Умумий билирубин (мкмоль/л)	14.5±1.42	19.22±1.90**	23.3±1.44****^
Эркин билирубин (мкмоль/л)	3.1±0.57	3.77±0.97	17.62±1.62****^^^
СРО (нг/мл)	4.1±0.26	10.85±0.96****	14.80±1.19****^

Изоҳ: Статистик ишончлилик даражаси назорат гурухи кўрсаткичларига нисбатан: * – $p<0.05$; ** – $p<0.01$; *** – $p<0.001$; **** – $p<0.0001$, биринчи гурух кўрсаткичига нисбатан ишончлилик даражаси: ^ – $p<0.05$; ^^ – $p<0.01$; ^^ – $p<0.001$; ^^ – $p<0.0001$.

2-жадвалда келтирилган барча кўрсаткичлар бўйича биринчи ва иккинчи бемор гурухларда назорат гурухига нисбатан статистик ишончли абберант ўзгаришга учраганлиги аниқланди ($p<0,05$), фақат биринчи бемор гурухи ва назорат гурухидаги эритропоэтин кўрсаткичидан ташқари ($p>0,05$). Бошқа томондан, фақат СВГС касаллиги мавжуд беморлар ва СВГС ва СЮЕ касалликлари коморбид ҳолда кечган беморларда келтирилган

кўрсаткичларда ўзаро солиштирилганида, иккинчи гуруҳда умумий ва эркин билирубин миқдорлари, мос равишда 21,2% га ($p < 0,05$) ва 4,67 марта ($p < 0,001$) ошганлиги, СРО кўрсаткичи иккинчи гуруҳда 36,40% ошганлиги ($p < 0,05$) аниқланди.

Биринчи гуруҳдаги беморларда анемиянинг оғирлик даражасига кўра учраши таҳлили натижалари шуни кўрсатдики (1- ва 2-расмлар). Енгил даражали камқонлик 28.1% беморда кузатилиб, гемоглобиннинг ўртача кўрсаткичи 103 ± 1.1 г/л ни ташкил этди. Ўрта оғирликдаги анемия 50% беморда аниқланиб, гемоглобиннинг ўртача миқдори 83.1 ± 0.9 г/л ни, оғир даражали анемия 21.9% беморда кузатилиб, гемоглобин ўртача 64.7 ± 0.9 г/л ни ташкил этди ($p > 0.05$). Иккинчи гуруҳ яъни СВГС ва СЮЕ мавжуд бўлган беморларда анемия учраш даражаси таҳлилида олинган натижалар шуни кўрсатдики, енгил даражадаги анемия 16.6 % беморларда аниқланиб, гемоглобиннинг ўртача кўрсаткичи 94.2 ± 0.7 г/л ни, ўрта оғирликдаги анемия 47.5% беморда аниқланиб, гемоглобин кўрсаткичи ўртача 80.6 ± 0.6 г/л ни, оғир даражадаги анемия 35.9% беморда аниқланиб гемоглобин кўрсаткичи ўртача 61.7 ± 1.12 г/л ни ташкил этди ($p > 0.01$).




1 – расм. Биринчи ва иккинчи бемор гуруҳларда анемия даражалари учраш частотаси таҳлили (%)

СВГС ва СЮЕ ги бирга кечганда кузатилган анемия муаммоси эса алоҳида бир аҳамиятга эга эканлиги юқорида берилган таҳлил натижаларидан кўриниб турибти.

Демакки, бу коморбид ҳолатда анемиянинг касаллик кечиши жигар ва юрак фаолиятига таъсирини ўрганиш ва уни эрта аниқлаш усулларини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Жигар фибрози жараёнини баҳолашнинг ”олтин стандарти” – бу биопсия усулидир. Бу усулнинг ишончлилиги юқори бўлишига қарамасдан.

инвазивлиги туфайли беморлар ёки уларнинг қариндошлари томонидан рад этилади.



2 – расм. Биринчи ва иккинчи бемор гуруҳларда, анемия касаллиги даражаларига кўра ўртача гемоглобин миқдори.

Дунё тиббиётида бугунги кунда ташхисотнинг инвазив усулларидан ноинвазив усулларига ўтиш борасида кўп сонли илмий ва амалий тадқиқотлар бажарилмоқда ва бу замонавий тиббиёт талабидир.

3-жадвал

Тадқиқотга жалб қилинган гуруҳларда ноинвазив усулларда жигар фибрози индекслари даражалари таҳлили (%)

Гуруҳлар	APRI			FIB-4		
	<0.3	“кулранг зона”	1.0<	<1.45	“кулранг зона”	3.25<
Биринчи гуруҳ n= 32	31.25	46.88	21.87	53,12	31.255	15.625
Иккинчи гуруҳ n= 78	19.2	56.45	24.35	51.28	28.21	20.51

Изоҳ: СВГС –сурункали вирусли гепатит С; СЮЕ – сурункали юрак этишмовчилиг. Статистик ишончлилик даражаси иккинчи гуруҳга нисбатан: * – $p < 0.05$; ** – $p < 0.01$; *** – $p < 0.001$.

3-жадвалда кўриниб турибтики, ҳар иккала гуруҳда ҳам фиброз ривожланиш эҳтимоллиги юқори бўлган беморлар сони аниқланди. Яъни APRI усулида 1.0< дан катта кўрсаткич 1 – гуруҳда 21.87% ни ташкил этган

бўлса, 2 -гуруҳда эса 24.35% ни ташкил этди. Бошқа томондан, FIB-4 шкаласи бўйича эса бу кўрсаткичлар мос ҳолда 15.625% ва 20.51% ни ташкил этди.

Гуруҳлар орасида ўтказилган солиштирма таҳлил эса қуйидаги натижаларни кўрсатди. Фиброз ривожланиш эҳтимоллиги паст бўлган беморлар сони APRI усулида 1- гуруҳда 31,25%, 2-гуруҳда эса 19.2% ни, FIB-4 шкаласи бўйича эса, биринчи ва иккинчи гуруҳларда мос равишда 53,12% ва 51.28% ни ташкил этди.

“Кулранг зона” биринчи гуруҳ беморларда ҳар иккала усул бўйича мос равишда, 46,88% ва 31,288% ни ташкил этган бўлса, иккинчи гуруҳда, мос равишда 56,45% ва 28,21% ни ташкил этди. Аҳамиятли томони, иккала гуруҳ беморларда ҳам, FIB-4 шкаласи бўйича фиброз мавжудлиги эҳтимолий кўрсаткишда APRI усулидан устунлиги аниқланди ($p>0,05$).

ЖФИ аниқлашда қўлланилган ушбу иккала усулнинг прогностик аҳамиятини баҳолаш мақсадида олинган натижаларни эластография (фиброскан) кўрсаткичлари билан қиёсий таҳлилни ўтказилди (4- ва 5-жадваллар).

4- жадвал

СВГС ва анемия мавжуд беморларда жигар фибрози индексини баҳоловчи ноинвазив ва инвазив усуллар натижалари солиштирма таҳлили

ЖФИ усуллари	Кўрсаткичлар	%	Эластометрияда фиброз даражалари (%)			
			F0	F1	F2	F3
APRI	<0.3	31.25	25,0	6,25	0,0	0,0
	0.3-1.0	46.48	21,87	25,0	0,0	0,0
	1.0<	21.87	0,0	9,37	9,37	3,125
FIB 4	<1.45	53,12	28,12	21,87	3,125	0,0
	1.45-3.25	31,25	18,75	12,50	0,0	0,0
	3.25<	15,62	3,125	12,50	3,125	3,125


Изоҳ: СВГС –сурункали вирусли гепатит С. Статистик ишончлик даражаси иккинчи гуруҳга нисбатан: * – $p<0.05$; ** – $p<0.01$; *** – $p<0.001$.

4-жадвалдан кўришиб турибтики, биринчи гуруҳ беморларида жигар фибрози индексини баҳоловчи ноинвазив ва инвазив усуллар кўрсаткичлари солиштирма таҳлилида APRI тестида фиброз эҳтимоллиги паст бўлган ҳолатлар 31,25% ни ташкил этган бўлса. бу кўрсаткич ноинвазив инструментал усулда (эластометрия) F0 – 25.0% ва F1 – 6.25% ни ташкил қилди. FIB 4 шкаласида эса фиброз эҳтимоллиги паст ҳолатлар 53,12% ни, эластометрияда F0 28,12% ни, F1 – 21.87% ни ва F2 – 3.125% ни ташкил этди.

ЖФ ҳолати ҳақида мавҳум маълумот берувчи “кулранг зона” кўрсаткичи билан боғлиқ APRI ва FIB 4 шкалаларида фиброзланиш билан ассоциацияси, мос равишда қуйидагича – F0 – 21,87% ва 18,75% ни, F1 – 25,0% ва 12,50% ни ташкил этган бўлса, текширилган шкалалар фиброз мавжудлик эҳтимоли юқори булган беморларда кўрсаткичлари эластометрияда натижалар

билан ўзаро ассоциацияси текширилганида, APRI ва FIB 4 шкалаларида фиброзланиш эҳтимоли, мос равишда F0 0,0% ва 3,12% ни, F1 – 9,37% ва 12,50% ни, F2 – 9,37% ва 3,12% ни, ҳамда F3 – 3,12% ва 3,12% ни ташкил этди.

Келтирилган APRI ва FIB4 шкалаларини жигарда эластометрия аниқланган фиброзланиш мавжудлиги ($F1 \leq$) ва фиброзланиш мавжуд эмаслиги (F0) эҳтимолий башоратлашдаги прогностик аҳамияти AUROC анализи орқали текширилиб кўрилганида, биринчи гуруҳда фиброзланиш мавжудлигини башоратлашда иккала усул ҳам статистик аҳамиятли предикторлар сифатида аҳамиятга эгаллиги аниқланди ($p < 0,05$). Шу билан бирга, келтирилган шкалалардан эластометрия орқали аниқланган жигарда фиброз жараёни мавжудлигини башоратлашда, APRI шкаласи ($AUC = 0.878$) FIB4 шкаласига ($AUC = 0.714$) нисбатан юқори прогностик аҳамиятга эгаллиги аниқланди.



3-расм. Жигар фиброзини башоратлашда қўлланилган ноинвазив тестларнинг 1 гуруҳ бўйича AUROC таҳлили натижалари

Худди шундай солиштирма таҳлил 2-гуруҳ бўйича ҳам ўтказилди. Яъни СВГС ва СЮЕ коморбидликда кечаётган анемия аниқланган беморларда жигар фиброз даражаси ноинвазив усулларда зардобдаги кўрсаткичларга асосланган тестлар ва эластометрия натижалари солиштирма баҳоланди (5-жадвал).

5-жадвалда келтирилганидек, иккинчи гуруҳ беморларида жигар фибрози индексини баҳоловчи ноинвазив ва инвазив усуллар кўрсаткичлари солиштирма таҳлилида APRI тестида фиброз эҳтимолиги паст бўлган ҳолатлар 19,20% ни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич ноинвазив инструментал усулда (эластометрия) F0 – 18,0% ва F1 – 1,28% ни ташкил қилди. FIB 4 шкаласида эса фиброз эҳтимолиги паст ҳолатлар 51,28% ни, эластометрияда F0 37,20% ни, F1 – 8,97% ни ва F2 – 2,56% ва F3 – 2,56% ни ташкил этди.

ЖФ ҳолати ҳақида мавҳум маълумот берувчи “кулранг зона” кўрсаткичи билан боғлиқ APRI ва FIB 4 шкалаларида фиброзланиш билан ассоциацияси, мос равишда қуйидагича – F0 – 36,0% ва 15,40% ни, F1 – 18,0%


ва 12,80% ни, F2 – 1,28% ва 0,0% ни, F3 – 1,28% ва 0,00% ни, ташкил этган бўлса, текширилган шкалалар фиброз мавжудлик эҳтимоли юқори булган беморларда кўрсаткичлари эластометрияда натижалар билан ўзаро ассоциацияси текширилганида, APRI ва FIB 4 шкалаларида фиброзланиш эҳтимоли, мос равишда F0 8,97% ва 10,25% ни, F1 – 7,69% ва 5,13% ни, F2 – 5,13% ва 3,85% ни, ҳамда F3 – 2,56% ва 1,28% ни ташкил этди.

5- жадвал

СВГС + СЮЕ ва анемия мавжуд беморларда жигар фибрози индексини баҳоловчи ноинвазив усуллар натижалари солиштирма таҳлили

ЖФИ усуллари	Кўрсаткичлар	%	Эластометрияда фиброз даражалари (%)			
			F0	F1	F2	F3
APRI	<0.3	19,2	18,0	1,28	0,0	0,0
	0.3-1.0	56,45	36,0	18,0	1,28	1,28
	1.0<	24,35	8,97	7,69	5,13	2,56
FIB 4	<1.45	51,28	37,20	8,97	2,56	2,56
	1.45-3.25	28,21	15,40	12,8	0,0	0,0
	3.25<	20,51	10,25	5,13	3,85	1,28

Изоҳ: СВГС – сурункали вирусли гепатит С, СЮЕ – сурункали юрак этишмовчилиши. Статистик ишончлилик даражаси иккинчи гуруҳга нисбатан: * – $p < 0.05$; ** – $p < 0.01$; *** – $p < 0.001$.



4-расм. Жигар фиброзини башоратлашда қўлланилган ноинвазив тестларнинг 2 гуруҳ бўйича AUROC таҳлили натижалари

Келтирилган APRI ва FIB4 шкалаларини жигарда эластометрия аниқланган фиброзланиш мавжудлиги ($F1 \leq$) ва фиброзланиш мавжуд эмаслиги (F0) эҳтимолий башоратлашдаги прогностик ахамияти AUROC анализи орқали текширилиб кўрилганида, биринчи гуруҳда фиброзланиш мавжудлигини башоратлашда иккала усул ҳам статистик ахамиятли

предикторлар сифатида ахамиятга эгаллиги аниқланди ($p < 0,05$). Шу билан бирга, келтирилган шкалалардан эластометрия орқали аниқланган жигарда фиброз жараёни мавжудлигини башоратлашда, APRI шкаласи ($AUC = 0.823$) FIB4 шкаласига ($AUC = 0.725$) нисбатан юқори прогностик ахамиятга эгаллиги аниқланди.

Биз тадқиқот ишимизда юрак фаолиятини баҳолашда СЮЕ функционал синфлари ва ЖФИ ни аниқловчи тестлар кўрсаткичлар орасидаги патогенетик боғлиқлик эҳтимоллар нисбати (OR) ва 95% ишончлилик даражаси (95%CI) кўрсаткичлари орқали аниқланди (6- жадвал).

6- жадвал

СЮЕ ва СВГС коморбидликда кечган беморларда юрак етишмовчилиги функционал синфлари ва жигар фибрози индекслари орасидаги патогенетик боғлиқлик таҳлили

Жигар фибрози индекслари	II ФС	III ФС	IV ФС
APRI	1.27* [0.65-2.29]	1.76* [0.76-4.14]	2.16* [0.98-6.15]
FIB 4	0.77 [0.34-1.83]	1.04 [0.56-1.54]	1.29* [0.69-3.25]


Изоҳ: *- жигар фибрози индекслари орасидаги фарқлар ишончлилиги ($p < 0.05$); ФС – функционал синф

6-жадвалда келтирилганидек, ЖФИ нинг хар иккала шаклида ҳам фиброз даражаси СЮЕ функционал синфи даражасига мос равишда тўғри пропорционал боғлиқликни кўрсатмоқда, яъни ФС даражаси ошиб бориши билан жигар фиброз даражасини кўрсатувчи параметрлар ошиб бориши аниқланди.

Шунга мос равишда, ЖФИнинг APRI тести ва функционал синфлар даражалари ўзаро корреляцион анализи орқали текширилганида (5-расм), APRI тести ва СЮЕ ФС II даражаси билан ўрта кучдаги мусбат корреляция ($r = 0,61$; $p < 0,05$), APRI тести ва СЮЕ ФС III даражаси билан кучли мусбат корреляция ($r = 0,69$; $p < 0,05$), APRI тести ва СЮЕ ФС IV даражаси билан кучли мусбат корреляция ($r = 0,78$; $p < 0,05$) эга эканлиги аниқланди.

Шуниндек, ЖФИнинг FIB4 шкаласи ва функционал синфлар даражалари ўзаро корреляцион анализи орқали текширилганида (6-расм), FIB4 шкаласи ва СЮЕ ФС II даражаси билан кучсиз мусбат корреляция ($r = 0,28$; $p > 0,05$), FIB4 шкаласи ва СЮЕ ФС III даражаси билан ўрта кучдаги мусбат корреляция ($r = 0,46$; $p < 0,05$), FIB4 шкаласи ва СЮЕ ФС IV даражаси билан ўрта кучдаги мусбат корреляция ($r = 0,54$; $p < 0,05$) эга эканлиги аниқланди.

Тадқиқотимиз вазифаларидан бири бу СВГС мустақил, ҳамда СВГС ва СЮЕ коморбидликда кечган беморларда анемия ривожланишининг ўзига хослиги, унинг жигар фибрози ривожланишига таъсирини ўрганишдан иборат бўлди (7- ва 8-расмлар).



7 – расм. СВГС мавжуд беморлардаги феррокинетика кўрсаткичлари ва жигар фибрози индекси орасидаги корреляцион матрикс.

Статистик ишончлик даражаси: * – $p < 0.05$; ** – $p < 0.01$; *** – $p < 0.001$; **** – $p < 0.0001$.


7-расмда келтирилганидек, биринчи гуруҳ беморларида APRI ва FIB4 кўрсаткичлари кучли мусбат ($r = 0,89$; $p < 0,0001$) корреляцияга эkanлиги шу билан бирга, келтирилган кўрсаткичлар, мос равишда гемаглобин кўрсаткичи билан, ўртача кучдаги тескари боғланиш (мос равишда, $r = -0,38$ ва $r = -0,40$; $p < 0,05$) ва зардобдаги темир миқдори орасида тескари кучсиз ($r = -0.30$; $p > 0.05$) ва ўрта кучдаги ($r = -0.34$; $p < 0.05$), ферритин кўрсаткичи билан тўғри ўрта кучдаги боғланиш (мос равишда, $r = 0,36$ ва $r = 0,42$; $p < 0,05$) мавжудлиги аниқланди, бошқа томондан келтирилган шкалалар ва гепсидин, ҳамда эритропоэтин кўрсаткичлари орасида статистик ишончли корреляцион боғланиш аниқланмади ($p > 0,05$).

Шуниндек, гемаглобин ва зардобдаги темир миқдори орасида, статистик ишончли кучли мусбат корреляцион боғланиш ($r = 0,91$; $p < 0,0001$) мавжуд бўлса, келтирилган кўрсаткичлар ва ферритин кўрсаткичи орасида, тескари кучли корреляцион боғланиш (мос равишда, $r = -0,80$; $p < 0,0001$ ва $r = -0,69$; $p < 0,001$), гепсидин кўрсаткичи билан кучли мусбат боғланиш, (мос равишда, $r = 0,94$; $p < 0,0001$ ва $r = 0,87$; $p < 0,0001$), эритропоэтин кўрсаткичи билан ўрта кучдаги мусбат корреляцион боғланиш (мос равишда, $r = 0,42$; $p < 0,05$ ва $r = 0,43$; $p < 0,05$) мавжудлиги аниқланди.

Бундан ташқари, ферритин ва гепсидин кўрсаткичлари ўзаро кучли тескари боғланишга эгаллиги аниқланган бўлса ($r = -0,77$; $p < 0,0001$), келтирилган кўрсаткичлар ва эритропоэтин орасида, мос равишда ўрта кучдаги тескари ($r = -0,41$; $p < 0,05$) ва ўрта кучдаги тўғри ($r = 0,39$; $p < 0,05$) корреляцион боғланиш мавжудлиги топилди.

СВГС ва СЮЕ коморбид кечганда ривожланган анемиянинг жигар фибрози ривожланишига таъсирини аниқлаш мақсадида ЖФИ кўрсаткичлари ва феррокинетика кўрсаткичлари орасидаги корреляцион боғлиқликларни ўрганиб чиқдик (6-жадвал).

Жадвалдаги кўрсаткичлардан англаш мумкинки, гемоглобин миқдори камайиши жигарда фиброз жараёнини кучайтиради. Бу хусусият иккала гуруҳ феррокинетика кўрсаткичлари солиштирма таҳлилида ҳам аниқланган эди. Зардобдаги темир, ферритин ва эритропоэтин кўрсаткичлари ва ЖФИ орасида мусбат, ишончли корреляцион боғлиқликлар FIB 4 индекси натижаларида кўпроқ намоён бўлди.



8– расм. СВГС ва СЮЕ коморбид кечган беморлардаги феррокинетика кўрсаткичлари ва жигар фибрози индекси орасидаги корреляцион матрикс.

Статистик ишончлилик даражаси: * – $p < 0,05$; ** – $p < 0,01$; *** – $p < 0,001$; **** – $p < 0,0001$.

8-расмда келтирилганидек, иккинчи гуруҳ беморларида APRI ва FIB4 кўрсаткичлари кучли мусбат ($r = 0,72$; $p < 0,0001$) корреляцияга эkanлиги шу билан бирга, келтирилган кўрсаткичлар, мос равишда гемаглобин кўрсаткичи билан, ўртача кучдаги тескари боғланиш (мос равишда, $r = -0,48$ ва $r = -0,38$; $p < 0,05$) ва зардобдаги темир миқдори орасида, тескари кучсиз (мос равишда, $r = -0,30$; $p < 0,01$ ва $r = -0,18$; $p > 0,05$) боғланиш аниқланган бўлса, бошқа томондан, келтирилган шкалалар ва ферритин, гепсидин, ҳамда эритропоэтин кўрсаткичлари орасида статистик ишончли корреляцион боғланиш аниқланмади ($p > 0,05$).

Бундан ташқари, ферритин ва гепсидин кўрсаткичлари ўзаро кучли тескари боғланишга эгаллиги аниқланган бўлса ($r = -0,83$; $p < 0,001$), келтирилган кўрсаткичлар ва эритропоэтин орасида, мос равишда ўрта кучдаги мусбат ($r = 0,65$; $p < 0,001$) ва ўрта кучдаги манфий ($r = -0,54$; $p < 0,0001$) корреляцион боғланиш мавжудлиги топилди.

9 -жадвал

Сурункали вирусли гепатит С ва сурункали юрак етишмовчилиги коморбид холдаги патогенезида анемия ривожланишини башоратлашда феррокинетика кўрсаткичларининг ахамияти

Кўрсаткичлар	SE	SP	AUC	OR	95%CI	P
Зардобдаги темир миқдори	0.923	0.94	0.930	188.0	44.8-788,6	<0.001
Ферритин	0.974	0.96	0.968	912	124.3-6692	<0.001
Эритропоэтин	0.795	0.86	0.820	38.10	13.44-107.90	<0.001
Гепсидин	0.987	0.96	0.976	1848	163.1-20936	<0.001

Изоҳ: Прогностик самарадорлик (AUC) ва эхтимоллар нисбати (OR) кўрсаткичларини ҳисоблашдаги бўсага чегараси – (Mean+2σ) асосий гуруҳи бўйича ҳисобланди.

9-жадвалда келтирилганидек, СВГС ва СЮЕ коморбид холдаги патогенезида анемия ривожланишини прогнозлашда феррокинетик кўрсаткичлар ахамияти текширилганида, зардобдаги темир миқдори анемия ривожланганлиги ва/ёки ривожланиши ҳавфи 188,0 марта (95%CI: 44,8-788,6; $p < 0,001$) юқорилиги, ва анемия ривожланишини прогнозлашдаги ахамияти аъло сифатли (AUC = 0,93) эkanлигини кўрсатди. Шуниндек, ферритин миқдори СВГС ва СЮЕ касалликлари коморбид холдаги патогенезида анемия ривожланганлиги ва/ёки ривожланиши ҳавфи 912 марта (95%CI: 124,3-6692; $p < 0,001$) юқорилиги, ва анемия ривожланишини прогнозлашдаги ахамияти аъло сифатли (AUC = 0,968) эkanлигини кўрсатди. Бундан ташқари, эритропоэтин миқдори анемия ривожланганлиги ва/ёки ривожланиши ҳавфи 38,10 марта (95%CI: 13,44-107,90; $p < 0,001$) юқорилиги, ва анемия

ривожланишини прогнозлашдаги ахамияти жуда яхши сифатга эга ($AUC = 0,82$) эканлигини кўрсатди. Шуниндек, гепсидин миқдори СВГС ва СЮЕ касалликлари коморбид холдаги патогенезида анемия ривожланганлиги ва ёки ривожланиши хавфи 1848,00 марта ($95\%CI: 163,1-20936,0$; $p < 0,001$) юқорилиги, ва анемия ривожланишини прогнозлашдаги ахамияти юқори даражада ($AUC = 0,76$) эканлигини кўрсатди.

ХУЛОСАЛАР

“Сурункали гепатит С ва юрак етишмовчилиги бўлган беморлардаги камқонлик ташхисотининг феррокинетик предикторлари” мавзусидаги диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди.

1. СВГС билан касалланган, аммо СЮЕ мавжуд бўлмаган беморларда, енгил даражали камқонлик 28.1% беморда, ўрта оғирликдаги анемия 50% беморда, оғир даражали анемия 21.9% беморда кузатилган бўлса, иккинчи гуруҳ яъни СВГС ва СЮЕ мавжуд бўлган беморларда енгил даражадаги анемия 16.6 % беморларда аниқланиб, ўрта оғирликдаги анемия 47.5% беморда ва оғир даражадаги анемия 35.9% беморда аниқланди.

2. СВГС ва СЮЕ коморбид кечганда кузатилган анемия фонида жигар фибрози учраш даражаси юқори бўлган беморлар сони APRI шкаласи бўйича 23,35% ни ва FIB-4 тести бўйича 20,51% ни ташкил этди. Бу биринчи гуруҳ кўрсаткичига нисбатан, мос равишда 1,11 марта ($p < 0,05$) ва 1,31 марта ($p < 0,05$) юқори.

3. СВГС+СЮЕ+анемия коморбидликда кечгаётган беморларда жигар фибрози индексин баҳолашда APRI шкаласи учун, мос равишда $AUC = 0,878$ ва $AUC = 0,878$, FIB4 шкаласи учун мос равишда, $AUC = 0,823$ ва $AUC = 0,725$ прогностик ахамиятга эга эканлиги аниқланди.

4. СВГС касаллиги мавжуд беморлар ва СВГС ва СЮЕ касалликлари коморбид холда кечган беморларда келтирилган кўрсаткичларда ўзаро солиштирилганида, зардобдаги темир миқдори, иккинчи гуруҳда 46,7% га пастлиги, ферритин кўрсаткичи иккинчи гуруҳда 24,9% га баландлиги ($p < 0,05$), эритропоэтин кўрсаткичи иккинчи гуруҳда 35,0% га ошганлиги ($p < 0,05$) аниқланди.

5. СВГС патогенезида анемия ривожланишини прогнозлашда феррокинетик кўрсаткичлар ахамияти текширилганида, зардобдаги темир, ферритин, эритропоэтин ва гепсидин миқдорлари анемия ривожланишини прогнозлашдаги ахамияти, мос равишда аъло сифатли ($AUC = 0,90$), аъло сифатли ($AUC = 0,99$) қониқарли сифатли ($AUC = 0,99$) ва аъло сифатли ($AUC = 0,99$) эканлигини кўрсатди.

Иккинчи гуруҳда, СВГС ва СЮЕ коморбид холдаги патогенезида анемия ривожланишини прогнозлашда феррокинетик кўрсаткичлар ахамияти текширилганида, зардобдаги темир, ферритин, миқдори анемия ривожланишини прогнозлашдаги ахамияти аъло сифатли ($AUC = 0,93$), аъло сифатли ($AUC = 0,968$), жуда яхши сифатли ($AUC = 0,82$) ва аъло сифатли ($AUC = 0,76$) эканлигини кўрсатди.

6. Сурункали вирусли гепатит С ва юрак етишмовчилиги билан оғриган беморларда анемия ривожланишини башоратлашда уни келтириб чиқарувчи патогенетик хавф омиллари жумладан қон зардобида темир ва эритропозетин миқдорини назорат қилиш, олдини олиш мақсадида ноинвазив тестлардан APRI ва FIB-4 асосида ЖФИ ни баҳолаш, юрак функционал ҳолатини коррекциялаш орқали гипоксияни камайтириш лозим.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ РНД.04/30.09.2020.ТІВ.123.01 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
УРГЕНЧСКОМ ФИЛИАЛЕ ТАШКЕНТСКОЙ
МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ**

БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ

МУХАМЕДЖАНОВА МАСТУРА ХАЯТОВНА

**ФЕРРОКИНЕТИЧЕСКИЕ ПРЕДИКТОРЫ ДИАГНОСТИКИ АНЕМИИ
У БОЛЬНЫХ С ХРОНИЧЕСКИМ ГЕПАТИТОМ С
АССОЦИИРОВАННОЙ СЕРДЕЧНОЙ НЕДОСТАТОЧНОСТЬЮ**

14.00.05- Внутренние болезни

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (РнД) ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

УРГЕНЧ -2024

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2023.1.PhD/Tib3298

Диссертация выполнена в Бухарском государственном медицинском институте имени Абу Али ибн Сино.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (www.urgfiltma.uz) и информационно-образовательном портале “ZiyoNet” (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:	Ахмедова Нилуфар Шариповна доктор медицинских наук, доцент
Официальные оппоненты:	Жаббаров Озимбай Отахонович Доктор медицинских наук, профессор
	Болтаев Камол Жумаевич Доктор медицинских наук, доцент
Ведущая организация:	Таджикистанский государственный медицинский университет

Защита диссертации состоится «___» _____ 2024 г. в ___ часов на заседании Научного совета PhD.04/30.09.2021.Tib.123.01 при Ургенчском филиале Ташкентской медицинской академии. Адрес: Хорезмская область г. Ургенч, улица Аль-Хорезмий, дом -28. Тел./факс: (+998622248484).

С диссертацией можно ознакомиться на Информационно-ресурсном центре Ургенчского филиала Ташкентской медицинской академии (зарегистрирована за №___). Адрес: Хорезмская область г. Ургенч, улица Аль-Хорезмий, дом -28. Тел./факс: (+998622248484).

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2024 год.
(Протокол рассылки № ___ от «___» _____ 2024 года)

Р.Ю. Рузибаев

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук

З.Ф. Джуманиязова

Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, кандидат медицинских наук, доцент

Р.Б.Абдуллаев

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и необходимость диссертационной работы. Одной из широко изучаемых проблем современной медицины сегодня является коморбидность. В связи с этим особое внимание в последние годы уделяется заболеваниям, имеющимся или возникающим на основе основного заболевания и отличающимся от него. Одним из таких коморбидных состояний является сочетание патологий печени и сердца. Результаты эпидемиологических исследований показывают, что 30% пожилого населения планеты страдают заболеваниями печени. Заболевания печени являются одной из основных причин инвалидности и входят в десятку ведущих причин смертности. Более 70 миллионов человек на Земле инфицированы хроническим вирусным гепатитом С. На сегодняшний день ХВГС является одной из основных причин хронического воспаления печени и цирроза печени и считается одной из глобальных проблем мировой медицины (Dash et al., 2020).

Научные исследования, проводимые во всем мире, указывают, что инфицирование гепатотропными вирусами является одной из основных причин хронических заболеваний печени, которые становятся наиболее актуальной медицинской и социальной проблемой здравоохранения. Распространенность ХВГС варьируется от 1–5% в Европе до 1–4% в США, в зависимости от плотности населения и распространенности факторов риска. ХВГС протекает бессимптомно и обычно проявляется рядом внепеченочных симптомов и заканчивается такими осложнениями, как цирроз печени и гепатоцеллюлярная карцинома. Воспаление при вирусном гепатите С имеет системный характер, при этом установлено, что у больных наблюдаются поражение иммунной системы, нарушения обмена веществ, почек, сердечно-сосудистой системы (Nevola et al., 2021). Анемия при хронических диффузных заболеваниях печени развивается на основе сложных патогенетических процессов, в основе которых лежит сложное нарушение эритропоэза.

